Тимур ФИСУНЕНКО

# ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ — БАРҚАРОРЛИКДА

## Биз Ўзбекистон ҳақида нималарни биламиз?

Жавоб оддий: биз Ўзбекистон ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Билганимиз — Ўзбекистон Украина, Молдова, Озарбойжон ва Грузия билан бирга ГУУАМ аъзоси. Бир қарашда, Ўзбекистон ҳақида билишнинг эҳтиёжи бормикан? У узоқда, дунёнинг нариги чеккасида жойлашган бўлса. Иқтисодий жиҳатдан оладиган бўлсак, Ўзбекистон биз учун ҳамкор сифатида бошқа мамлакатлар қаторида муҳим аҳамиятга эга, у билан савдо-сотиқ қилишимиз мумкин. Лекин ўрнак олиш нуқтаи назаридан бу мамлакат бизни кўп қизиқтирмайди. Аммо, бундай дейиш — катта хато. Аслида ҳаммадан ҳам ниманидир ўрганиш мумкин ва зарур. Инсон агар ҳаётдан орқада қолишни истамаса, бутун умри давомида мунтазам ўқиб-ўрганиши лозим. Худди шу каби ҳар қайси давлат атрофдаги воқеаларни синчковлик билан доимий кузатиб бориши, барча ижобий ўзгаришлар ва илғор тажрибаларни, улар қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, ўзлаштириши, салбий ҳодисалардан эса тегишли хулосалар чиқариши даркор.

Ўзбекистон бугунги дунё харитасида муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат. Бу ерда яқинда рўй берган террорчилик ҳаракатлари мамлакатдаги барқарорликка путур етказа олмади. Бу Ислом Каримов яратган сиёсий тизимнинг яшовчан ва мустаҳкамлигини яна бир бор намоён этди.

## Барқарорлик ва оқилона сиёсат йўли

Аслида Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги муштарак жиҳатлар дастлабки таассуротлардан кўра кўпроқ эканини айтиш лозим. Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам Совет Иттифоқи таркибида бўлган ва бир пайтда тоталитар тузумдан қутулиб, ўз мустақиллигини қўлга киритган; Ўзбекистонда ҳам, Украинада ҳам радикал гуруҳлар бор; Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам муҳим геосиёсий салоҳиятга эга ва шу сабабли халқаро майдонда ҳал қилувчи мавқега эга давлатларнинг манфаатлари доирасида туради; Украинада ҳам, Ўзбекистонда ҳам турли хорижий жамғармалар, халқаро нодавлат ташкилотлар фаол иш олиб бормоқда, айрим давлатлар эса унинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатига ҳам таъсир ўтказишга уринмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон муайян соҳаларда Украинадан кўра олдинги марраларда туради. Диний ақидапарастлик таҳдидларига қарамай, Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида ҳам Ғарбда, ҳам Шарқда кўпчиликни ўз фикри билан ҳисоблашишга ўргата олди. Ва шу тариқа ҳозирги вақтда яратилаётган глобал хавфсизлик тизимида ва халқаро террорчиликка қарши курашда муҳим стратегик бўғинга айланди.

Бу ютуқнинг сабаби нимада? Бунинг жавоби, бир сўз билан айтганда, барқарорлик ва оқилона сиёсат юритишда. Ўзбекистон, Украинадан фарқли ўлароқ, этномиллатчи мухолифатнинг фаолияти туфайли рўй берган у ёқдан бу ёққа оғишларни бошдан кечирмади. Бундай мухолифат кўпинча нима қилаётгани ва бундай ишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўзига ҳисоб бериб ўтирмайди.

Ана шундай барқарорлик Ўзбекистонга ўзининг ички ва ташқи сиёсатини чуқур ўйлаб, турли экстремистик доираларга, Россия, АҚШ, Европа, қўшни мусулмон давлатларга ва умуман ҳеч кимга ён босмасдан олиб бориш имконини берди. Иқтисодчилар Ислом Каримов жорий этган иқтисодий ислоҳотлар модели қаердан — Хитой, Чили, Кореядан ёки бошқа бирон-бир давлатдан олингани хусусида ҳали-ҳануз баҳс юритишади. Лекин, буларнинг ҳаммасидан пировард натижа муҳим: Ўзбекистон собиқ шўро ҳудудидаги мустақил республикалар орасида барча соҳаларда — бу иқтисодий соҳа бўладими, сиёсий ёки ижтимоий соҳами — муваффақиятга эришган мамлакатлардан бири бўлиб чиқди. Айнан Ўзбекистон СССРнинг парчаланиши туфайли вужудга келган иқтисодий инқирозни бартараф этиш учун оғир, аммо зарур ислоҳотларни оқилона амалга ошириш ҳисобидан бу қийинчиликни енгиб ўтди. 1997 йилга келиб Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 1990 йилга нисбатан 90 фоизни ташкил этди, яъни иқтисодиёти деярли тикланди. Таққослаш учун айтиш керакки, ўша даврда Россияда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 59, Қозоғистонда 62, Белоруссияда 73, Қирғизистонда 60, Озарбойжонда 44, Арманистонда 58, Молдовада 63, Украинада эса атиги 42 фоизни ташкил этган эди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми эса 1997 йилда Ўзбекистонда 1990 йилга нисбатан 112,7 фоизни ташкил қилди! Қиёслаб кўринг: ўша пайтда бу кўрсаткич Россияда — 51, Украинада — 52, Грузияда — 23 фоиз бўлган эди. Яъни қолган мамлакатлар, жумладан Россия ҳам оғир инқирозни бошидан кечираётганда Ўзбекистон совет давридаги ўз кўрсаткичларидан ўзиб кетди!

Ҳозир ҳам республиканинг иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли даражада юқори: жорий йилнинг январь-февраль ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга ўсган. Қора металлургия (21,1 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (35,6 фоиз), қурилиш материаллари (13,8 фоиз) каби саноат тармоқлари ва енгил саноат (11,4 фоиз) жадал суръатлар билан ривожланди.

## Террорчиликка қарши курашдаги мустақил жанговар куч

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилади. Лекин у — дунёвий мамлакат. Ўзбекистон жаҳондаги энг нотинч минтақалардан бири — Афғонистон ва яқиндагина фуқаролар урушини бошдан кечирган Тожикистон билан чегарадош давлат сифатида диний экстремизм кўринишларига тўқнаш келаётгани табиий. Бу мамлакатнинг жуғрофий жойлашуви ва аҳолисига хос мусулмончилик анъаналари туфайли диний экстремистларда уни халқаро террорчилик ва наркобизнеснинг таянч нуқталаридан бирига айлантиришдан иборат қабиҳ ният пайдо бўлди. Наркобизнес эса халқаро террорчилик учун асосий молиявий манба экани ҳеч кимга сир эмас. Лекин амалда бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди - Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши курашда таянч нуқталардан бирига айланди! Ислом Каримов аввал-бошданоқ қатъият кўрсатиб, экстремистик этномиллатчи ташкилотлар ва ўз террорчилик фаолиятида динни ниқоб қилиб олган мухолифатнинг пайини қирқишга муваффақ бўлди ва шу тариқа Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни таъминлади.

Американинг The Jamestown Foundation таҳлилий маркази томонидан нашр этиладиган "Террорчилик монитори" ахборотномасининг 13-сонида ўзини Ўзбекистон ислом ҳаракати деб атайдиган миллатчи мухолифатга халқаро террорчиликнинг жирканч кўринишларидан бири сифатида "ўта шафқатсиз", ҳатто ўз аъзоларига нисбатан ҳам раҳмсизлиги билан ном чиқарган ташкилот деб баҳо берилган. Ахборотнома "ҳукуматнинг қаттиққўл сиёсати"ни, ўзбекларнинг тинчликсеварлиги ва "исломий бағрикенглиги"ни, шунинг натижасида Ўзбекистон шаҳарларида "осойишталик ва тартиб" ҳукм сураётганини, одамларнинг эртанги кунга ишончи юксак эканини эътироф этади. Мазкур нашр хулосасига кўра, Ўзбекистон ўз барқарорлиги, экстремизмга қарши кураш тажрибаси билан Ғарб учун намуна бўла олади.

Табиийки, бундай натижага барқарорлик ва узоқни кўзлаб иш юритиш билангина эришиш мумкин. Бундай сиёсат Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи фаолиятига бирдай тааллуқли. Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик саммитида сўзлаган нутқида Марказий Осиё мамлакатлари "Афғонистондан Ғарб мамлакатларига наркотик моддаларни етказиш учун энг қисқа ва қулай йўлакка айланаётгани", бинобарин, Ғарб наркотик моддалар ва терроризмдан иборат бундай мудҳиш бало-қазога бефарқ қараб турмаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу боис, АҚШ бошчигидаги коалиция Афғонистонда "Енгилмас озодлик" антитеррор операциясини бошлаганда, Ўзбекистоннинг аэродромлари, бошқа фуқаролик ва ҳарбий инфратузилмалари республика раҳбарияти томонидан иттифоқчилар авиациясига фойдаланиш учун берилгани ҳам ажабланарли эмас.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ вазмин, пухта ўйланган, оқилона сиёсат олиб бораётгани туфайли антитеррор коалициянинг пассив иштирокчиси бўлиб қолмай, ўзини мустақил геосиёсий иштирокчи, ҳар томонлама таъминланган антитеррор ҳарбий куч сифатида намоён этмоқда. Шунинг учун бугун АҚШда ҳам, Россияда ҳам, ислом оламида ҳам Ўзбекистонга ҳурмат билан қарашади ва унинг фикри билан ҳисоблашишади.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонни барпо этиш йўлини ишлаб чиқар экан, "давлат — асосий ислоҳотчи" тамойилини танлади. Республика раҳбарияти Россия ёки Украина услубидаги либерал ислоҳотлар модели Ўзбекистонга мутлақо тўғри келмаслигини яхши тушунарди. Мамлакатнинг тарихи ҳам, маданияти ҳам ўзбек заминида замонавий капитализм атиргул ёки лола каби тез фурсатда гул очишига умид қилиш имконини бермасди. Бундан ташқари, республика раҳбарияти аввал-бошданоқ ислоҳотларнинг асосий мақсади — халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат эканлигини эълон қилди. Ислоҳотларнинг оғир даврини енгиб ўтишда аҳолининг энг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ижтимоий дастурлар ўша пайтдаги "фалаж қилиб даволаш усули"нинг муқаррар зарбини имкон қадар енгиллаштирди.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатни модернизация қилишдан бошқа мақбул йўл йўқлигини яхши англарди. Бу эса жамият ҳаётида демократияни ривожлантиришни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва бир қатор сиёсий ислоҳотлар ўтказиш ва турли халқаро сиёсий институтлар билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутарди. Шу ўринда мазкур халқаро ташкилотларнинг кўпчилиги ёш демократик давлатга нисбатан ҳар доим ҳам хайриҳоҳ муносабатда бўлавермаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Улар собиқ шўро республикалари орасида биринчи бўлиб қонуний сайланган Ўзбекистон Президентини қаттиққўл ҳукмдор қиёфасида кўрсатишга, ривожланаётган демократияни эса Ғарбни алдаш мақсадида қилинаётган Византия ўйинларига ўхшатишга астойдил уринарди.

Албатта, Ўзбекистон ҳукумати ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан борар экан, бу борада, аввало, ўз салоҳияти ва кучига ишонарди. Оқилона сиёсат раҳбариятга, биринчи навбатда, рўй берган хатоларни вақтида тузатиш, иккинчидан, Ғарб давлатларига ўзининг ички ишларига аралашиш учун йўл қўймаган ҳолда, улар билан муносабатларда ўз обрўсини муносиб даражада сақлаб қолиш имконини берди. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили тараққиётнинг асосий тамойили сифатида танланди.

Республика парламенти (шуни айтиш керакки, ҳозир амалга оширилаётган конституциявий ислоҳот доирасида у икки палатали парламентга айланади ва бугунги кунда Президент бажараётган вазифаларнинг бир қисми унинг ваколатига ўтади) инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир 120 дан ортиқ қонун қабул қилди ва 60 дан зиёд халқаро шартномани ратификация қилди. Халқаро ҳуқуқларнинг умумэътироф этилган меъёрлари миллий қонунчиликда мустаҳкам ифодасини топди.

Ўзбекистонда 300 дан ортиқ миллий ва халқаро нодавлат ташкилот ҳамда 2310 та маҳаллий жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган. Мамлакатда АҚШнинг энг машҳур Freedom House ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти ва Human Writes Watch халқаро ноҳукумат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ва бошқа кўплаб бизга таниш бўлган халқаро ташкилотлар фаолият юритмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини кузатиш борасида ўз вазифаларини бажаришда уларга ҳеч ким тўсқинлик қилаётгани йўқ. Шу билан бирга бирон-бир ноҳукумат ташкилот ҳаддидан ошиб, Ўзбекистон ва унинг қонуний сайланган ҳукумати шаънига лой чаплашига ҳам бу ерда ҳеч ким йўл қўймайди.

**"Известия - Украина" газетаси,**
2004 йил 6 май.



*Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Марғилон ҳудудий бўлими Марғилон, Фарғона, Қувасой, Қува шаҳарлари, Тошлоқ, Ёзёвон, Охунбобоев ва Фарғона туманларини ўз ичига олади.*

*Ҳозирги кунда ҳудудий бўлимда 1150 нафар уста ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Бўлим мутахассислари жойдаги ҳокимият, солиқ идоралари билан яқиндан ҳамкорликда ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб боряпти.*

*Бундан ташқари, уюшма қошида уста-шогирд мактаби ташкил этилиб, бешта ҳунар йўналиши бўйича 33 та шогирд тарбияланмоқда.*

**СУРАТДА: (чапдан) зардўзчилар Санобар Мақсудова ва Юлдуз Ёқубова иш устида.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Таълим берган даргоҳингни унутма

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўғри, педагогика олий таълим муассасалари амалда ўз талабалари учун намуна бўладиган мактабларни танлайди. Чунки уларда амалиётни ўтаган талабалар келгусида ўз иш фаолиятини ўша андоза асосида ташкил этишлари кўзда тутилади. Буни тушуниш мумкин. Назаримда, энди ёрдамга муҳтож мактабларни ҳам моддий (мумкин қадар), ҳам илмий-методик, ҳам маънавий жиҳатдан оталиққа олиш вақти етди.

Республикамиздаги жами олий ўқув юртларининг олтитасида фақат педагогик кадрлар тайёрланади. Лекин мактаблар оталиғини ёлғиз уларнинг зиммасига ташлаб бўлмайди. Қолган олий ўқув юртлари ҳам бевосита шу масалалар билан шуғуллансалар, яхши бўларди. Ушбу муассасалар умумтаълим мактаблари борлиги боис фаолият кўрсатмоқда-ку. Наҳотки, улар ҳеч бўлмаса, бирор ночор аҳволдаги мактабни оталиққа ололмаса? Фикримча, уларнинг бунга имкониятлари етарли.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги масаласи ҳам кун тартибидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Негаки, ҳозирги замон ўқитувчисининг вазифаси анча ўзгарди? Авваллари у сабоқ жараёнида айтиб берувчи, ўргатувчи вазифаларини бажарган бўлса, эндиликда ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминловчи, тафаккурини шакллантирувчи, маслаҳатчи каби кенг қамровли юмушларни уддалаши керак. Бинобарин, ишлаб турган ўқитувчиларнинг касб маҳоратларини ошириш, уни янада шакллантириш муаммолари мавжудлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳа, ҳозирча айрим фан ўқитувчиларига муҳтожлик бор. Аммо таълимдаги ислоҳотлар ўз натижасини бериши, уларнинг сафи тўлиши шубҳасиз. Ана шунда ўз устида ишламайдиган ўқитувчилар ўз-ўзидан четга чиқиб қолади.

Хуллас, бугун ҳукуматимиз таълим тизимига шу қадар катта эътибор бераётган экан, айни жабҳадаги ислоҳотларни амалга оширишга ҳеч биримиз бефарқ бўлишга ҳақимиз йўқ. Зеро, таълим берган устозни ҳам, билим олган даргоҳни ҳам ҳеч вақт унутиб бўлмайди.

**Самихон АШИРБОЕВ,**
**Низомий номидаги ТДПУ проректори, профессор.**

## *Дарсдан ташқари сабоқ*

Юнусобод туманидаги 250-мактабда «Балоғат остонасида» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловдан кўзланган мақсад ёшлар тарбиясида маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлигини янада кучайтиришдир.

Кўрик-танлов иштирокчилари дастлаб маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар борасида кўргазмали чиқишлар қилди. Улар орқали огоҳлик ва ҳушёрлик бугунги куннинг энг муҳим омиллари эканлиги намоён этилди. Ўқувчилар, шунингдек, «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Спорт менинг тақдиримда» каби мавзуларда ҳам билимларини синаб кўрдилар.

— Бундай кўрик-танловлар ўқувчиларимиз тарбиясида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз, — дейди «Юнусота» маҳалла қўмитаси раиси Саломат Йўлдошева. — Бунинг учун уларга фақатгина дарсда эмас, балки мана шундай танловларда ҳам илму сабоқни тушунтириб боришимиз керак.

**Ўз мухбиримиз.**

Озод ШАРАФИДДИНОВ

# НУРГА



***— Шабот Хўжаев 80 га кирибдилар. Шу киши тўғрисида газетангизга бир мақола ёзиб берай, — деб таклиф қилдим муҳаррирга.***

***— Нима? — деди ҳайрон бўлганини яширмай. — Шабот Хўжаев дейсизми? 80 га кирибдиларми? Йўғ-е, бунақа эмасдир...***

***Дарҳақиқат, Шабот Хўжаевни кўрган биронта одам унинг қиличдай тик қоматига, ҳали ажин изини кўрмаган юзларига, юлдуздек чақнаган кўзларига, эндигина битта-яримта оқ оралаган сочларига, бардам кайфиятига, ҳар бир гапни дона-дона қилиб бийрон гапиришларига қараб, чиндан-да унинг 80 ёшга кирганига ишонмайди.***

Мен уни салкам эллик йилдан бери танийман. Ўшанда у эндигина докторлик ишини ҳимоя қилган ёш тиббиётчи олим эди. Шундан бери ўтган йиллар мобайнида кўп сувлар оқиб кетди, кўп қадрдонларимиз оламдан ўтиб кетди, ўзимиз ҳам, мана - қарилик «гаштини» суриб юрибмиз. Лекин Шабот Хўжаев ҳамон ўша-ўша, бардам, тетик. Шу йиллар мобайнида мен унинг бирон марта ҳам «вой, белим» деб инқиллаганини, «юрагим ёмон» деб зорланганини, «шошмай туринг» деб гапини бўлиб, дори ичиб олганини билмайман. Домланинг бу тетик-бардамлигини кўрганимда бир ўй миямда чарх уриб айланаверади. Домла қандай қилиб бунга эришди — у инсон учун энг буюк, энг тансиқ, энг қадрли неъмат бўлган соғлик-саломатлигини қандай қилиб бу даражада кўз қорачиғидай авайлаб-асрайди? Врачлар ёрдамидами? Дорилар воситасидами? Йўқ, бундай эканига ишонгим келмайди. Менимча, бу ўринда гап Шабот Хўжаевнинг ўзида, унинг шахсиятида, унинг қунтида, ҳафсаласида. Энг муҳими, — унинг бир ақидасида. Менимча, домла ҳар қайси инсоннинг саломатлиги унинг ўз қўлида, унинг бу йўлда қиладиган саъй-ҳаракатларида, деган ақида билан яшайди. Буни айтаётганимнинг боиси шундаки, биз — ўзбеклар ҳамма нарсани қадрласак қадрлаймизки, ўз соғлиғимизни қадрламаймиз. Ўз организмимизга ваҳшиёна муносабатда бўламиз, йиқилиб, тўшакка ётиб қолмагунча врачга мурожаат қилмаймиз. Холбуки, арзимаган ҳаракат билан бошга тушиши мумкин бўлган кўп касалликларнинг олдини олишимиз мумкин. Бу ҳаракатлар биздан ҳеч қанақа чиқимни талаб қилмайди. Одам ўзини болаликдан мунтазам чиниқтириб бориши, нафсини тийиб, расамади билан овқатланиши, жисмоний иш билан шуғулланиши, кўпроқ пиёда юришни, меҳнатни маромида қилиб, дам олишни ҳам ўрнига қўя олиши керак. Шу ишларни қилсангиз, мен аминманки, сиз ҳам 80 ёшингизда аталадай ёйилиб кетмай, ўқланган милтиқдай ҳар ишга шай турасиз. Лекин минг афсуски, биз шахсий гигиена бобида ўз соғлиғимизга инсоний муносабатда бўлиш масаласида ҳам дурустроқ бир маданиятга эга эмасмиз. Шабот Хўжаевнинг умр йўли биринчи навбатда бизга ана шундай сабоқ беради.

Юқорида айтганимдек, мен биринчи марта Шабот Хўжаев билан 60-йилларнинг бошида Абдулла Қаҳҳорнинг уйида танишган эдим. Юзидан табассум аримайдиган, суҳбатдошининг гапларини жон қулоғи билан тинглайдиган, мулоҳазалари теран, сийқа гаплардан қочадиган, истараси иссиқ бу йигит дарҳол менга маъқул тушди. У мендан атиги 4-5 ёшлар чамаси катта эди, лекин аллақачон докторликни ёқлаган, таниқли олим сифатида донг қозонган эди. Ўша кезлардаёқ не-не атоқли арбоблар унинг бир оғиз маслаҳатини эшитишга мунтазир, тавсияларига муштоқ эди. Шабот Хўжаев ғоятда хушфеъл, камтар ва камсуқум, айни чоғда теран бир олижанобликка эга эди. У баъзи бир номдор врачларга ўхшаб бу дунёнинг «кўзир»лари олдида ялтоқланмас, унга шоҳу гадо баробар эди. Кейинчалик бунга мен кўп марталаб амин бўлдим. Мен ўзим - ҳали номи чиқмаган, бирон-бир амалга эга бўлмаган, бор-йўқ давлати, шавкати Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди, деган унвон бўлган инсон унга бир неча марта тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганман ва ҳар гал у менинг илтимосларимни пайсалга солмай, дарҳол беғараз бажо келтирар, қимматли тавсиялар берарди. 80-йилларнинг охирида қаттиқ бетоб бўлиб қолганимда эса иккита машҳур профессорни уйга бошлаб келиб, ўз ташаббуси билан консилиум ўтказган эди — кўп ўтмай мен оёққа туриб кетдим.

Шабот Хўжаев Ўзбекистонда тиббиёт илмининг ривожига катта ҳисса қўшган олим. Унга бежиз Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби деган унвон берилган эмас. Лекин биз кўп йиллик танишлигимиз давомида неча марталаб катта-кичик суҳбатлар қурган бўлсакда, бу одам бирон марта, бирон хизматини айтиб мақтанганини эслай олмайман. Фақат яқиндагина Шабот Хўжаев тўғрисида ёзилган биографик маълумотномани ўқиб, унинг хизматлари ҳар қанча мақтанса арзигулик эканига амин бўлдим. Менинг кўз ўнгимда ўз касбини чин дилдан севадиган, унга ихлос билан, виждонан хизмат қилган фидойи бир зиёлининг ёрқин сиймоси гавдаланди. Баъзан одамлар, шу жумладан, ўзим ҳам, ҳозирги ўзбек зиёлиларининг фаол эмаслигидан, жамиятни олға элтувчи байроқдорлар бўла олмаётганидан, баъзан лоқайдлигидан нолиб қоламиз. Эҳтимол, бу фикрда ҳам жон бордир. Лекин Шабот Хўжаевга ўхшаш одамларнинг мисоли зиёлиларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмаслигидан, улар орасида миллатнинг фахри дейишга арзигулик шахслар ҳам кўплигидан далолат бериб турибди.

Шабот Хўжаев иммунолог, эпидемиолог, вирусолог олим, у айниқса, юқумли касалликлар соҳасидаги катта ишлари билан ном чиқарган. Бироқ мендан мазкур мақолада унинг қайси касалликни қандай муолажа қилиш йўллари, нима вакциналар кашф қилгани ҳақида ҳикоя эшитмоқчи бўлганлар адашади. Мен тиббиёт илмидан узоқ одамман, бу илмнинг ички нозикликларига тишим ўтмайди. Лекин мен ўқиган маълумотномаданоқ шуни англадимки, Шабот Хўжаевнинг ярим асрлик врачлик фаолияти бошдан-оёқ том маънодаги илмий жасоратга, улуғ мақсадлар йўлида фидоийлик билан хизмат қилишга тўла бўлган экан. Бу ажойиб инсон ўзининг билими ва фидойи ишлари билан нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўн минглаб эмас, балки юз минглаб одамларни ўлим чангалидан қутқариб олган. Шунинг учун уни ҳар қанча алқаб, кўкларга кўтарсак арзийди. Мен бу фикримни исбот қилиш учун олимнинг кўп қиррали сермазмун фаолиятидан 2-3 та мисол келтириш билан чекланаман.

60-йилларнинг ўрталарида республиканинг баъзи жойларида вабо тарқаганмиш, деган хабар тарқалди. Бу жуда таҳликали, умумий ваҳима ва саросималик туғдиришга сабабчи бўладиган хабар эди. Зудлик билан чоралар кўрилди, қатновлар чекланди, вабо тарқалган жойдаги одамлар ўша жойлардан чиқолмай, бир неча ойга қолиб кетди. Бундай қилмаслик мумкин эмас эди. Гарчи сўнгги 40-45 йилда вабо балосини кўрмаган бўлсак ҳам, унинг даҳшати атом бомбасиникидан ҳам кучлироқ эканини яхши билардик. Ўтмишдаги ваболар, ўлатлар, чечаклар юз минглаб, балки ундан ҳам ортиқроқ одамларнинг ўлимига сабабчи бўлганини билардик.

Эпидемия — гиёҳлари қовжираб ётган чўли биёбонда юз берган ёнғинга ўхшайди — бир зумда у ҳамма ёқни қоплайди ва унинг ҳудудидаги ҳўлу қуруқ баравар ёна бошлайди. Эпидемиолог врач ҳам ўт ўчирувчига ўхшайди. Фақат фарқи шундаки, ўт ўчирувчи оловдан берироқда туриб уни сув ёки бошқа воситалар билан ўчиради, врач эса оловни ўчирмоқ учун аланганинг ичига, ўчоқнинг марказига кириб бориши керак. Яъни, вабо теккан юзлаб, минглаб одамлар билан бевосита мулоқот қилмоғи лозим. Табиийки, бундай ша-

*Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига !*

**ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВY-300, ВY-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга !**

**«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ**



*сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.*



***Қуйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.***

*Ҳисоб-китоб — турли шаклда.*

**Дилерлик марказларимиз қуйидаги манзилларда жойлашган:**

| № | Манзил | Дилерлик марказлари номи | Директорлар исм-шарифи | Телефонлари |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Қашқадарё вилояти** | | | |
| 1. | 731101, Косон шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 55-уй. | ТТЗ «Косон-сервис» | Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи. | код 37559, 32262, 32697 |
| 2. | 731306, Ғузор шаҳри, Пахтазор маҳалласи. | "ТТЗ — ММТП" Ғузор | Зарипов Соатмурод Малеевич | код 37555, 22234, 21397 |
| | **II. Сурхондарё вилояти** | | | |
| 3. | 733000, Денов шаҳри, Остонақулов кўчаси, 107-уй. | ТТЗ «Сурхондарёсервис» | Чориев Абдусалом Ғаффорович, | код 37641 24601, факс: 21626 |
| 4. | 733606, Сариосиё шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй. | ММТП "Сариосиё" | Эшонқулов Тўхтасин, | код 37641, 31868 |
| 5. | 733414, Олтинсой тумани, Қорлуқ қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 24-уй. | ММТП «Олтинсой» | Ҳусанов Абдураҳмон, | код 37647 51778, уйи: 51578 |
| 6. | Ангор тумани, "Талимарон" хўжалиги, 1-бўлим, Қорасув маҳалласи. | ММТП "Ангор" | Шауманов Тўра Шоуманович. | код 37631, 22047 |
| | **III. Хоразм вилояти** | | | |
| 7. | 741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй. | Хоразм техника маркази | Юсупов Маматсалой, | код 36239, 91932, 92609 |
| 8. | 740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси. | Янгибозор | Қаландаров Қадам. | уяли: 1545062 |
| | **IV. Жиззах вилояти** | | | |
| 9. | 708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй. | Жиззах техника маркази | Жўраев Холмурод | код 37222, 31821, 31526 |
| | **V. Фарғона вилояти** | | | |
| 10. | 713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи. | Фарғона техника маркази | Раҳмонов Маҳмуд Холматович | код 3732, 255733 |
| | **VI. Наманган вилояти** | | | |
| 11. | 716003, Наманган шаҳри, Шимолий саноат зонаси, Поляковский к., 19-уй. | Наманган вилояти техника маркази | Зиятов З.С. | код 36922, 40764 |
| | **VII. Қорақалпоғистон Республикаси** | | | |
| 12. | 743700, Тўрткўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй. | Қорақалпоғистон техника маркази | Мадраимов Илҳомбой Давлатович | код 361 5323293 2214975, 2211200 |


**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг

## ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

*танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.*

**1. Қизириқ тумани давлат солиқ инспекциясининг янги маъмурий биноси қурилиши.**

*Бошланғич нархи — 291,5 млн.сўм.*
*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 365 кун.*
*Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*
**Буюртмачи** — *Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси.*
**Манзили:** *Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 23-уй.*
**Телефонлар:** *2-74-39, 2-77-23, факс: 3-68-45.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй.**
**Тел./факс: (8-3762) 2-75-01 ф., 2-75-04.**

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй.*


**"TEZINTOM"** ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК

TEZINTOM

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:







**ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПҚИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ**

- Варақсимон ва доналик металлочерепицалар
- Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм).
- Кўп турдаги аксессуарлар (том пардози элементлари). Металло черепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12 метргача. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4,5 кг. Том анжомларининг барчаси ғарб ускуналарида чет эл хомашёсидан тайёрланади.

**ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТТИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА**

Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 мм.лик пўлатдан ясалган.

*Гўзал ва ишончли*

**ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ**

"МЕЕН" (Германия), фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитта металл ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.

**ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ**

Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, гаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Манзил: Тошкент ш., Муҳитдинов к., 1(ТОЭМЗ–1).
Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.

*«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли арзонлаштирилган*

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05.
E-mail: tezintom@globalnet.uz


**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:

**Наманган вилояти, Косонсой туманидаги «Калбува» канали бир қисмини (L-1230 метр пк 0+00 дан пк12+30) тайёр ҳолда (под ключ) қайта қуриш.**

***Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) бажариш нархи — 120 150 100 сўм.***
***Қурилишни якунлаш муддати — 78 кун.***
Буюртмачи — ***Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган 9-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.*** Телефонлар: ***(8-3692) 26-46-44, 26-30-18.***
***Қурилиш ишлари давлат инвестиция дастури маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга:

**Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 50000 сўм.

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.*


**Корхона қурилиш молларини таклиф этади**

Улгуржи нархларда.

**Линолеум** Россия, эни 1,5 м., 2 м.

**Гулқоғоз (обои)** Россия, Белоруссия, ҳар хил кўринишларда

**Ламинат** Германия HDM корхонасида ишлаб чиқарилган

ва бошқа қурилиш материаллари.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76,
(3732) 24-82-00, 24-92-74.

Маҳсулот сертификатланган.



**Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади**

**ШИНА**



- ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
- АВТОБУСЛАР УЧУН
- ТРАКТОРЛАР УЧУН
- ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

Улгуржи нархларда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 137-10-14,
137-47-78, 137-47-31,
(3732), 24-77-84, 24-71-68.

Маҳсулот сертификатланган.


## ТОШКЕНТ ШАҲАР, МИРОБОД ТУМАНИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ВА «БАНКРОТ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА ХАБАР

**«Штир» ХФ Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.04.2004 йилдаги 10-0420/1762-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди.** *Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-а уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими Б.А.Маҳкамов тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади.*

**Маълумот учун телефон: 55-38-64.**

**«Умум сервис» ХФ Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.04.2004 йилдаги 10-0420/1805-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди.** *Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-а уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими А.Алимов тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади.*

**Маълумот учун телефон: 55-38-64.**

**«Тошкент вилоят муниципиал биржаси» МЧЖ Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.04.2004 йилдаги 10-0420/1803-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди.** *Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-а уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими М.А.Рўзиқулова тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади.*

**Маълумот учун телефон: 55-38-64.**

**«Улфат бизнес» ХФ Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.04.2004 йилдаги 10-0420/1761-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди.** *Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-а уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими А.А. Ғафуров тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади.*

**Маълумот учун телефон: 55-38-64.**

**«Карабай» ХФ Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.04.2004 йилдаги 10-0420/1804-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди.** *Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-а уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими А.Б.Халилов тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади.*

**Маълумот учун телефон: 55-38-64.**

O'zLotto

«ЎЗЛОТТО» лотереяси 21-тиражининг

## ҳисоботи

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "O'zLotto 6\40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида утказилди.

**Тушган шарлар номери кетма-кетлиги:** 39 21 12 29 37 36

**Тираж ўтказилган сана:** 2004 йил 8 май

**Ўйналган ютуқлар:**

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6-та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5-та тўғри топилган сон учун | 508 475 | 0 | 0 |
| 4-та тўғри топилган сон учун | 508 475 | 28 | 18 159 |
| 3-та тўғри топилган сон учун | 1 779 662 | 586 | 3 036 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 15 май куни ўтказилади.

**Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сум**

Тўкин ҳаёт сари!

Тошкент, Ниёзбек Йўли 24 тел. 136-70-69


**Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи**

**«Фулонг Индустриал» ҚК**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.**



*Нархлар — келишилган ҳолда.*
*Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*

*Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Маккажўхори сотиб оламиз.*

Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!

**Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор к., Зироат кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 58-48-97, 108-91-35, факс: 120-58-24, e-mail: tglst@bcc.com.uz**



**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари**

TS TECHNOLOGY
Компьютеры и компьютерные технологии



**Ўта муҳим масалалар учун ўта унумдор серверлар керак:**

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари.**

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.**

intel inside XEON

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz.

Intel, Intel, Intel Inside логотипи, Intel Inside, Intel Centrino логотипи, Intel Centrino, Celeron, Intel Xeon, Intel SpeedStep, Itanium, Pentium ва Pentium III Xeon логотипи Intel корпорацияси ва бўлималарининг АҚШ ва бошқа давлатларда товар белгилари ёки рўйхатдан ўтган товар белгиларидир.

